**Ходимлар ойлик иш ҳақи.**

| № | Лавозими | Сони | Бир ойлик иш хаки (минг сўм) | Бир ойда (минг сўм) | Бир мавсумда -5 ой (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Бошлик | 1 | 700 | 700 | 3 500 |
| **2** | Хисобчи | 1 | 700 | 700 | 3 500 |
| **3** | Ишчилар | 2 | 700 | 1 400 | 7 000 |
| | **Жами :** | **4** | | **2 800** | **14 000** |

**Ишлаб чиқариш даромад ва харажатлари**

| | Кўрсатгич | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи (минг сўм ) | 1 ойда (минг сўм ) | 1 мавсум - 5 ой (минг сўм ) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Ишчилар сони | Киши | 4 | | 2 800 | 14 000 |
| | **Шу жумладан** | | | | | |
| | Иш хаки фонди 12% ажратма | сўм | | | 336 | 1 680 |
| | Иш хаки фондидан даромад солиғи 12 % | сўм | | | 336 | 1 680 |
| **2** | Бошқа харажатлар | сўм | | | | 5 795 |
| | **Жами харажатлар** | **сўм** | | | | **19 795** |
| | **Махсулот сотувидан тушган маблағ** | | | | | |
| **1** | Махсулот барги | кг | 1500 | 30 | | 45 000 |
| | **Жами** | | | | | **45 000** |
| **2** | Ягона солиғи 5 % | сўм | | | | 2 250 |
| | **Соф фойда** | | | | | **22 955** |


**Савдо-саноат палатасининг марказий аппарати**
Тошкент ш 10047, А. Темур шох к. 4
Тел: 71 150-60-06
Ишонч телефон 1094
Web-site: www.chamber.uz
E-mail: info@chamber.uz

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Нукус ш. А.Темур к. 112 А уй
Тел: (0-361) 770-71-01
Факс: (0-371) 770-71-01
E-mail: qr@chamber.uz
Web-site: qr.chamber.uz

**Андижон вилояти**
Андижон ш. А.Навоий к. 122 уй
Тел: (0-374) 298-11-01
Факс: (0-374) 298-11-01
E-mail: an@chamber.uz
Web-site: an.chamber.uz

**Бухоро вилояти**
Бухоро ш. Мустакиллик к. 1А уй
Тел: (0-365) 770-11-01
Факс: (0-365) 221-59-06
E-mail: bx@chamber.uz
Web-site: bx.chamber.uz

**Жиззах вилояти**
Жиззах ш. Ш.Рашидов к. 14 уй
Тел: (0-372) 771-11-01
Факс: (0-372) 226-24-47
E-mail: jz@chamber.uz
Web-site: jz.chamber.uz

**Қашқадарё вилояти**
Қарши ш. Мустакиллик к. 22 уй
Тел: (0-375) 771-11-01
Факс: (0-375) 227-78-16
E-mail: qr@chamber.uz
Web-site: qr.chamber.uz

**Навоий вилояти**
Навоий ш. Меъморлар к. 33 уй
Тел: (0-436) 770-31-01
Факс: (0-436) 770-31-01
E-mail: nv@chamber.uz
Web-site: nv.chamber.uz

**Наманган вилояти**
Наманган ш. У.Носир к. 7 уй
Тел: (0-369) 227-21-01
Факс: (0-369) 227-27-54
E-mail: na@chamber.uz
Web-site: nm.chamber.uz

**Самарқанд вилояти**
Самарқанд ш.
А.Навоий к. 58 уй
Тел: (0-366) 210-11-01
Факс: (0-366) 210-11-01
E-mail: sn@chamber.uz
Web-site: sn.chamber.uz

**Сурхондарё вилояти**
Термиз ш.
Ат-Термизий к. 2 уй
Тел: (0-376) 298-11-01
Факс: (0-376) 298-11-01
E-mail: sd@chamber.uz
Web-site: sx.chamber.uz

**Сирдарё вилояти**
Гулистон ш.
Қахрамонлар к. 1 уй
Тел: (0-367) 235-02-81
Факс: (0-367) 235-02-81
E-mail: sr@chamber.uz
Web-site: sr.chamber.uz

**Тошкент вилояти**
Тошкент ш.
Қора-су йўли к. 118 уй
Тел: (0-371) 202-21-21
Факс: (0-371) 150-91-01
E-mail: tv@chamber.uz
Web-site: tshv.chamber.uz

**Фарғона вилояти**
Фарғона ш.
Б.Марғилоний к. 58 уй
Тел: (0-373) 244-52-87
Факс: (0-373) 244-60-02
E-mail: fa@chamber.uz
Web-site: fr.chamber.uz

**Хоразм вилояти**
Урганч ш.
Баходирхон к. 183 уй
Тел: (0-362) 770-51-01
Факс: (0-362) 770-51-01
E-mail: xz@chamber.uz
Web-site: xz.chamber.uz

**Тошкент шахри**
Тошкент ш.
Шахзисабз к. 142 уй
Тел: (0-371) 236-25-47
Факс: (0-371) 236-03-53
E-mail: th@chamber.uz
Web-site: th.chamber.uz


O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

**ЎЗБЕКИСТОН**

**САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ**



**БУЮК**
**КЕЛАЖАКНИ**
**БИРГА**
**ҚУРАМИЗ!**

**Тошкент 2020**

## Маврак - Salvia



**Маврак** – *Salvia* ясноткагулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Ўрта ер денгизи бўйи бутаси. Илдизи бақувват ёғочланган, 4-тартибгача тармоқланган, сертармоқ илдизининг асосий қисми тупроқнинг 10-15 см лик катламида жойлашган, кўпи билан 68 см чукурликкача етиб боради. Поялари биринчи йили 4 қиррали, қуйи қисми ёғочланган, кулранг тусда юқори қисми тукли, яшил, бўйи 80 см гача етади. Барглари қарама-қарши жойлашган, узунчоқ бандли майда кунгурали, узунлиги 2-8 см кенглиги 0,8-2,5 см, буришган тукли, кулранг яшил. Тўпгули поянинг энг юқорисидаги бошоқсимон қисмидир, у содда ёки шохланган, содда халқалардан таркиб топган. Гуллари икки лабли, кук бинафша ранг, ёндош баргчаларининг қўлтиқларида жойлашган.

## Ўстириш технологияси

Маврак ўсимлигини Республикамизда тарқалган тупроқ ва унинг иқлимини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган ерларда ўстириш, улардан кўпроқ ва сифатли ҳомашё етиштириш зарур бўлади.

Доривор ўсимликлардан юқори ҳосил олишга қаратилган барча агротехник чора-тадбирлар орасида ерни ишлаш асосий аҳамият касб этади. Чунки ер ишланганда, тупроқнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари яхшиланади, шу билан бир қаторда барча агротехник тадбирларнинг самарадорлиги ортади, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Маврак ўсимлиги иссиқсевар, ёруғликни яхши кўрадиган, қурғоқчиликка чидамли экин ҳисобланиб, у экилган ерлардан 4-5 йил давомида фойдаланиб юқори ҳосил олиш мумкин бўлади. Маврак экиладиган ерларни кузда тайёрланади ва ер ҳайдаш олдидан тупроқ унумдорлигини бир ҳолатда сақлаб туриш мақсадида ўсимликни ўсиш даврида яхши ривожланиши учун гектар ҳисобига 20 тонна маҳаллий ўғит ва йиллик норманинг 70% ҳисобидан фосфор ўғитини бериб, 25-30 см чукурликда сифатли қилиб ҳайдаб қўйилади. Эрта баҳорда ер текисланади ва бегона ўтлар колдиқларидан тозаланади. Уруғни март-апрель ойларининг бошларида тупроқ ҳарорати 15-17°С бўлганда қатор оралари 60-70 см қилиб 2-4 см чукурликда экилади ва гектарига ўртача 8 кг сифатли уруғ сарфланади. Мавракни кеч кузда ҳам экса бўлади. Майсалар баҳорда уруғ экилгандан кейин 12-14 кунда униб чиқа бошлайди. Биринчи кунларда майсаларни секин ўсиши кузатила бошлайди ва бегона ўтлар орасида қолиб кетмаслиги учун ерларни культивация ва юмшатиб турилади. Маврак зич экилганда ёки бегона ўтлар кўпайиб кетганда, баҳор серёмғир келганда ўсимликларда кулсимон замбуруғлар ва зарар-кунандаларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик керак. Ўсимлик тупида икки жуфт чинбарглар ҳосил бўлганида ҳар 15 см оралиғида уячалар 2-3 тадан ўсимлик қолдириб ягана қилинади. Ўсимликларнинг илдиз тизимига зарар етказмасдан эҳтиёткорлик билан қатор ораларига ишлов бериш тавсия этилади. Тупроқнинг намлиги ва ўсимликнинг ҳолатига қараб суғоришни табақалаб ўтказиш лозим. Мавсум давомида мавракни биринчи йили 7-8 мартагача суғориш тавсия этилади. Маврак баргининг сатҳи кучайиши ва илдиз тизимининг ривожланиши даврларида у сувни кўп талаб қилади. Маврак ўсимлигини яхши ўсиши ва ривожланиши учун уни ўғитлаш энг муҳим агротехник омиллардан бири ҳисобланади. Мавракни озиқлантиришни майсалар униб чиққандан кейин уларнинг яхши ривожланиши учун қатор ораларига ишлов бериш билан бир вақтда гектар ҳисобига азот ўғитидан 30 кг ва 25 кг дан калий беришдан бошлаш лозим. Ўғитларни 10-12 см чуқурликка киргизиш тавсия этилади.

Иккинчи озиқлантириш эса шоналаш фазасида, суғоришдан олдин гектар ҳисобига 30 кг азот ва 20 кг фосфор ўғитини бериш билан амалга оширилади ва унинг ривожланиши янада тезлашади. Охирги озиқлантириш маврак ўсимлиги гуллаган даврда гектар ҳисобига 40 кг азот ва 25 кг калий ўғитини қўллаш билан тугатилади. Калийли ўғитлар мавракнинг совуққа чидамлилигини анча оширади. Маврак ўсимлиги ривожланиш даврида, айниқса гуллаш фазасида озиқа элементларни кўп талаб қилади.

## Маҳсулотнинг ташқи кўриниши

Тайёр махсулот узун бандли (2см), чўзинчоқ ёки кенг ланцетсимон (баъзан барг пластинкасининг асосида битта ёки иккита кичкина бўлаги бўлади) баргдан иборат. Барг пластинкасининг учи тўмтоқ бўлиб, қирраси тўмток тишли. Йирик барглар узунлиги 6—10 см, эни 2—2,5 см, майда барглар узунлиги 2 см, эни эса 0,8 см бўлади. Ёш барглар жуда кўп майда туклар билан (айниқса, пастки томони) қопланганидан кумуш рангли. Катта баргларда туклар кам бўлиб, пластинканинг устки томони кулранг-яшил, пастки томони эса кулранг. Баргда жойлашган 3- ва 4- тартибдаги томирлар барг пластинкасининг юқори томонидан ичкарисига ботиб кирганлиги ва пастки томонидан бўртиб чиққанлиги учун пластинканинг пастки томони бир хилдаги майда катакча шаклида кўринади.

## Ишлатилиши

Маврак тўпгулларида 0,58% эфир мойи, ўтида кумаринлар, флавоноидлар, сапонинлар ва бошқа моддалар бор. Маврак барглари шарбатидан илмий тиббиётда буриштирувчи, микробларни йўқотувчи, яллиғланишга қарши восита сифатида, оғиз шиллиғи пардасининг яллиғланиши, юқори нафас йуллари яллиғланиши касалликларида, оғиз ва томоқни чайишда ишлатилади. Юрак дорилари ва бошқа воситалар таркибига киради. Гуллари микробларни йўк қилувчи "салвин" дорисини олишда қўлланилади.

## Пул маблағини йўналтириш

| Т/р | Сотиб олинадиган мулк ва хом ашёлар | Микдор | Ер майдони | Сотиб олиш бахоси (минг сум) | Жами Суммаси (минг сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Маврак уруғи | 8 кг | 1га | 25 | 200 |
| 2. | Органик ўғит | 20 тонна | 1га | 0.125 | 2 500 |
| 3 | Фосфорли ўғит | 20 кг | 1га | 2,1 | 420 |
| 4. | Азот ўғит | 100 кг | 1га | 2,1 | 210 |
| 5. | Калийли ўғит | 50 кг | 1га | 6,3 | 315 |
| 6. | Ер ҳайдаш | 1 марта | 1га | 300 | 300 |
| 7. | Культивация | 2 марта | 1 га | 50 | 150 |
| 8. | Суғориш | 7 марта | 1га | 100 | 700 |
| 9. | Бошқа харажатлар | | | | 1 000 |
| | **Жами:** | | | | **5 795** |